

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЎЧИМОВ УЛУҒБЕК ҚЎЧҚАРОВИЧ**

**ФАНТАСТИК АСАРЛАРДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ**  
**КОНЦЕПЦИЯСИ**

**(Рэй Бредбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

УЎК: 821.111.091-252(73)  
821.512.133.091-252

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Кўчимов Улугбек Кўчқарович**

Фантастик асарларда бадий психологизм концепцияси  
(Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди мисолида)..... 3

**Кучимов Улугбек Кучқарович**

Художественная психологическая концепция в фантастических  
произведениях (на примере творчества Рэя Брэдбери и Ходжиакбара  
Шайхова)..... 25

**Kuchimov Ulugbek Kuchkarovich**

Artistic Psychological Conception of Fantastic Works (on the Basis of Ray  
Bradbury and Khojiakbar Shayhov' s Creative Works)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КЎЧИМОВ УЛУҒБЕК ҚЎЧҚАРОВИЧ**

**ФАНТАСТИК АСАРЛАРДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ**  
**КОНЦЕПЦИЯСИ**

**(Рэй Бредбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil347 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ибрагимова Рано Мавлановна  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Садиқов Зоҳид Якубжанович  
филология фанлари доктори (DSc), доцент  
Жўракулов Узоқ Ҳайдарович  
филология фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu\_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «10» сентябрь да 23 рақамли реестр баённомаси).



Gus  
Г.Х. Боқиева  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

Al  
Х.Б. Самигова  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., доцент

Ja  
Ж.А. Якубов  
Илмий даражадар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида руҳият муаммосини тадқиқ этиш, қаҳрамон ҳис-туйғуларининг бутун мураккаблиги, зиддияти, кўзга кўринмас, сирли жиҳатларини бадиий талқин этиш жиҳатидан доимий эътиборни тортиб келмоқда. XX асрда психоаналитик таълимотнинг асосини ташкил этувчи онг ости қатламларининг чигал ва чексиз кенгликлари, адабий-поэтик хусусиятлари, фантастик адабиёт тараққиётининг илк босқичига хос жиҳатлар, ижтимоий, фалсафий, маиший фантастика йўналишлари такомилли, антиутопия, апакалиптика, постакалиптика, стимпанк, турбореализм, пост-киберпанк, альтернатив фантастика каби йўналишларининг юзага келиши сингари муаммоларни ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида психологизм ҳодисасини илмий-назарий муаммо сифатида тадқиқ қилиш борасида шуни таъкидлаш лозимки, бадиий адабиёт марказида инсон образи турар экан, унинг руҳий оламини кашф этиш, ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларни тасвирлаш, ёзувчининг бадиий фантазия имкониятларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фантастик асарларда психологизм кўринишлари, уларнинг қаҳрамон характерини очиб беришдаги бадиий вазифалари, бадиий образда ёзувчининг руҳий олами, маънавий дунёқараши, гўзалликни ҳис қилиши, олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари ҳам ўз ифодасини топиши билан боғлиқ муаммолар юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиқлол йиллари ўзбек адабиётшунослигида фантастик асарларнинг жанрий хусусиятлари, шаклий-услубий ўзига хосликлари ва бадиий психологизм концепциясини жаҳон бадиий анъаналари контекстида тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Модомики, «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз... Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан фантастик асарларда бадиий психологизмнинг ривожланиш қонуниятлари, етакчи хусусиятлари, жанр структурасидаги ўзгаришларда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари таъсирини илмий асослаш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фантастик адабиётга бўлган эҳтиёж адабиётнинг бошқа турларига нисбатан икки ҳисса ортиқ бўлса-да, бу жанрда яратилган бадиий адабиёт жаҳон миқёсида ҳанузгача етарлича тадқиқ этилмаган.

Хусусан, рус адабиётида психологизм масаласи тадқиқи Н.Г. Чернишевский<sup>2</sup>дан бошланган. У Л.Н. Толстой асарларида психологизм ва унинг шакллари ўрганган. Шу тариқа, психологизм масаласи ва бу масала билан боғлиқ ўринлар В.Г.Плеханов<sup>3</sup>ни ишларида такомиллашди. Бу йўналишда Г.В. Гегель, Ф.В. Шеллинг, М.М. Бахтин, Г.Д. Гачев, Л.Я. Гинзбург, А.Б. Есин, А.Н. Иезуитов, М.Арнаутов, В.В. Компанеев, Б.А. Грифцов, Л.Т. Левчук, Л.П. Колобоева каби олимларнинг тадқиқотлари махсус фантастик адабиёт қонуниятларига бағишланмаган бўлса-да, тадқиқотимизни назарий жиҳатдан мустаҳкамлашда асос бўлди. Э.Каримов, Ҳ.Умуров, Д. Қурононов, А.С. Лиходзиевский С. Камилова, Б. Каримов, Ж.Эшонқулов, У. Жўрақулов, Г.Халлиева<sup>4</sup> ҳамда фантастикага махсус бағишланган А.В. Шек, Р.Иброҳимова, Ф.Салаев, Д.Қувватованинг тадқиқотларига ҳамда Америкалик J. Huffman, Ed. Ralph Pordzik, M. Ashley, E. Gomel, D. Hartwell, F Jameson, рус олимлари В.Г. Новикова, И.Ю. Пашкеева,

<sup>2</sup> Чернишевский Н.Г. Танланган адабий–танқидий мақолалар. – Т.: Ўздавнашр. 1956. – Б. 326.

<sup>3</sup> Плеханов В. Г. Литература и эстетика, в 2–х томах, т. I. ГИХЛ. 1958. – С. 579; Гегель Г. В. Эстетика. В 4–х томах (тт. 1–4). Переводчик Б. Г. Столпнери др. М.: Искусство, 1973. – С. 330, 326, 623, 667;

<sup>4</sup> Каримов Э. Человек в изображении Льва Толстого. – Т.: Фан, 1967. – С. 184; Умуров Ҳ. Ўзбек романчилигида бадиий психологизм. Монография. – Т.: Фан, 2007. – Б. 204; Қурононов Д.Х. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми. Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 1992; Лиходзиевский А.С. Типология Американского комического романа XIX века. Автореф. дисс. д-ра. филол. Наук – Т.: 2007. – 36 с; Камалова С.Э. Нравственно- психологический искания в художественной литературе 70-90-х годов XX века(на материале произведений В.Распутина и А.Якубова). Дисс.канд. филол.наук. – Т., 2008; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 361; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.; Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2020. – Б. 158.

Н.В. Маркина, А.Н. Фетисова, В.В. Литвинова<sup>5</sup> сингари олимларнинг фантастикага оид ишларига таянилди.

Психологизм ва психологик таҳлил муаммолари узоқ вақтлардан бери адабиётшунослар диққатини ўзига жалб этиб келади. Хусусан, рус адабиётшунослигида бу муаммолар ўтган асрнинг ўрталаридаёқ Л.Толстой асарлари муносабати билан кўтарилган. Рус адабиётшуносларининг кейинги ўттиз йил мобайнида олиб борилган муайян ёзувчи ижоди ва ижодий лаборатория, бадиий услуб ва поэтика, бадиий характер ва адабиётда инсон концепцияси масалаларига бағишланган қатор тадқиқотларида психологизм муаммоси турли аспектларда ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида психологизмга бағишланган илк тадқиқот ўтган асрнинг 40-йиллар охирида яратилган бўлса-да<sup>6</sup>, бу муаммонинг кенгроқ ўрганила бошланиши 60- йилларга тўғри келади. 70-йилларга келиб мазкур муаммога бағишланган дастлабки махсус тадқиқотлар амалга оширилди.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, XX ва XXI аср Америка ва Ўзбек адабиётидаги фантастик асарлардаги бадиий психологизм, унинг кўринишлари ва композицион вазифалари қиёсий усулда текширилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Қиёсий таҳлил методологияси» ҳамда «Жаҳон адабиётида адабий тур, жанрлар тараққиёти ва услуб ранг-баранглиги» мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарларида бадиий психологизм концепциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ёзувчиларнинг қаҳрамон руҳиятини яратиш маҳоратини қиёсий-типологик очиб беришдан иборат.

---

<sup>5</sup> Шек А.В. Советская научная фантастика на новейшем этапе развития: Автореф. дисс. канд. филол. наук / Самарканд. гос. ун-т им. Алишера Навои. – Самарканд, 1972. – 22 с; Ибрагимова Р.М. Пути формирования и развития узбекской научной фантастики. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1980; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари Филол. фан. ном. дисс. автореферати. – Т.: 1993. – Б. 22; Қувватова Д.Х. Ўзбек илмий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол. фан. ном. дисс. автореферати. – Т.: 1997; Иброҳимова Р.М. Ўзбек фантастикаси тараққиёт муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. автореферати. – Т.: 2003. – Б. 34; Новикова В.Г. Фантастическая новелла Р.Брэдбери. Автореф. канд. филолог, наук. Нижний Новгород. – 1992. – 17 с. Пашкеева И.Ю. Сложные слова в названиях цвета (на материале произведений Рэя Брэдбери) // «Казанская наука». №3 2012. – Казань: Изд-во Казанский Издательский Дом, 2012. – С. 215–217. (0,23 п.л.); Маркина Н.В. Художественный мир Рэя Брэдбери: традиции и новаторство. Автореф. дисс. канд. филол. наук. 2006.–21с; Литвинова В.В. Индивидуально-авторские концепты в структуре художественного мира Рэя Брэдбери. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Краснодар. – 2009. – 18с; Huffman, James. A Psychological Critique of American Culture. The American Journal of Psychoanalysis 1982. 42 p; Ashley M. The Gernsback Days: A Study of the Evolution of Modern Science Fiction from 1911 to 1936. – Rockville, MD: Wildside Press, 2004. – 499 p; Gomel E. Postmodern Science Fiction and Temporal Imagination. – N.Y.: Continuum, 2010. – 192 p; Hartwell D. Age of Wonders: Exploring the World of Science Fiction. – N.Y.: Walker, 1984. – 205 p.

<sup>6</sup> Алимухамедов А. А. Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир. Шарқ юлдузи, 1947. – №2 – 3.; Шермухамедов П. Рухий олам кўзгуси. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Т., 1976. – Б. 273.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида психологизмнинг ўрганилиш муаммоларини баҳолаш, америка ва ўзбек фантастик адабиётининг тараққиёт босқичларини илмий-таснифий асослаш;

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарларида умуминсоний муаммоларнинг бадиий талқинини очиб бериш асносида қаҳрамон руҳиятининг ўзига хос кашфини, персонаж руҳиятининг бевосита ёки билвосита тасвирланишини қиёсий-типологик умумлашмада таҳлил қилиш;

ёзувчиларнинг аёл руҳиятини очишда персонаж нутқидан, ички ва ташқи портретдан фойдаланиш маҳоратларини компаративистик усулда ўзига хос адабий-эстетик хусусиятлари юзасидан ижодий-индивидуал қиёсда назарий-типологик умумлашмалар чиқариш;

ёзувчилар маънавий дунёқарашини, қаҳрамонлар руҳиятининг муштарак ва ўзига хос томонларининг қиёсий тадқиқини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Рэй Брэдберининг «Фаренгейт бўйича 451 даража», «Муз ва олов», «Қоқи гулидан шароб» ва Ҳожиакбар Шайховнинг «Туташ оламлар», «Икки жаҳон овораси», «Номаълум одамлар», «Оловдан чиққан одам» сингари фантастик роман, қисса ва ҳикоялари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг фантастик асарларидаги бадиий психологизм концепцияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

америка ва ўзбек фантаст ёзувчилари ижоди мисолида бадиий психологизмнинг адабий-эстетик категория сифатидаги назарий-концептуал мақоми, илмий қонуниятлари, тараққиёт босқичлари, тематикаси қиёсий-типологик аспектда ёритилган;

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов фантастик асарларида умуминсоний ғоялар муштараклиги, қаҳрамонларнинг ўзига хос психологик ҳамда миллий хусусиятлари қиёсий-типологик жиҳатдан умумлаштирилиб, аёл руҳияти талқини бадиийлик мезонлари асосида очиб берилган;

миллий ва умумбашарий қадриятларни эъзозлаш, техника ва электронлашиш хавфидан инсониятни асраш каби ғоялар бинар типология аспектида ёритилиб, асар ғоясига сингдирилишида бадиий тўқиманинг ўрни, техниканинг инсон тафаккури тадрижидаги аҳамияти, қаҳрамон руҳиятини очишдаги ижодий-эстетик тамойиллари аниқланган;

фантаст-ёзувчилар дунёқарашини ва маънавиятини шакллантирувчи омиллар Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, фантастик асарларда ёзувчи дунёқарашини шакллантирувчи маънавий, диний, илмий, фалсафий ғоялар узвийлиги асосида илмий исботланган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

бадий психологизм ҳодисасини ўрганиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги учун методологик асос аниқланган;

характер руҳиятини очиш, бадий асарда тўлақонли инсон образини яратиш, персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг «ички монолог», «онг оқими» тарзида ёки муаллиф тилидан баён этилишига кўра ёзувчининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

бадий психологизм тадқиқи асосида Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг фантастик асарларида руҳият манзараларини тасвирлаш маҳорати ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий адабий оқим ва йўналишларга хос белги-сифатларни ижодий қайта ўзлаштириш, фантастикада макон ва замон, жанр модификацияси, адабий-бадий тасвир, эпик баён йўсинлари, композицион яхлитлик каби масалаларга комплекс ёндашувга асосланган илмий хулосалардан бадий психологизм йўналишидаги ишларда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан таълим тизимида “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиёт назарияси”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Жаҳон адабиёти тарихи” фанларидан дарслик ва ўқув кўлланмалар яратишда, адабиётшунослик луғатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг фантастик роман, қисса ва ҳикоялари асосида бадий психологизм муаммосини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш жараёнида олинган илмий натижаси асосида:

психологик фантастиканинг ўзига хос томонларидан бири – фантастик асар қаҳрамонини ақл бовар қиладиган ва ақл бовар қилмайдиган турли вазиятларга солиниши, характер, психологик портретни яратишда муаллифнинг бадий маҳоратини ёритишга доир илмий-назарий қарашлардан Ф-1-06-рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Истиклол даври ўзбек адабиётида жаҳон илғор тадқиқ методларининг замонавий ўзбек адабиётшунослигига татбиқи (психоанализ, герменевтика, структурализм, семиотика)» қисмида (2012-2016) фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил

16 октябрдаги 89-03-3991-сон маълумотномаси). Натижада асарда маънавий, фалсафий, ижтимоий ёхуд тарихий ғояларни илгари суришда фантастиканинг мазмун-моҳияти, руҳий-тарихий ва психологик ёндашувларнинг синтезлашуви каби ижодий-эстетик қонуниятларни очиш имконини берган;

фан ва техника соҳасидаги кашфиётларнинг фантастик нусхасини бериш, фантастик гипотезани илгари суриш кабилар билан биргаликда, инсондаги дунёни билиш, ўзлигини англашга бўлган эҳтиёжини қондириш, Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг бадиий оламини ҳамда психологизм муаммоларини, уларнинг фантастик қаҳрамонлари, шу жумладан, аёллар фантастик образига хос психологик ўзига хосликни тадқиқ этиш юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиришга оид қарашлардан Ф1-ФА-0-43429-рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳа (2012-2016) да фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3991-сон маълумотномаси). Натижада фантастик асарнинг жанрий хусусияти, асардаги бадиий тасвир (илмий-техник восита, космик кемалар, ўзга планета табиати, сеҳр-жодуга асосланган эртак олами) дан қатъий назар унинг ҳаққонийлигини таъминловчи компонентлардан бири психологизм эканлиги, аёллар образининг ўзига хослиги фольклор жанрларини жаҳон адабиёти контекстида қиёсий ўрганиш имконини берган;

Америка фантаст-ёзувчиси Рэй Брэдбери ва ўзбек фантаст-ёзувчиси Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, ёзувчи дунёқарашини шакллантирувчи маънавий, диний, илмий, фалсафий, умумбашарий ғоялардан “Жаҳон болалар адабиёти” (2016 й., 10 жилдлик) китобларини нашр этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 12 мартдаги 01-03-07/411-маълумотномаси). Натижада диссертацион илмий иш Ўзбек ва Америка ёзувчиларининг индивидуал услуби, турли миллат адиблари ижодидаги фантастик тамойиллар тасвири, фантастик адабиётнинг асосий поэтик воситалари – ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, ҳисларнинг ташқи экспрессияси, галлюцинация, туш, психологик тимсоллар ва уларнинг турли типологик хусусиятлари умумлаштирилганлиги сабаб бадиий асар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилган;

фантастик асарда ҳам қаҳрамонлар қалб даъватига кўра гапириши, ҳаракат қилиши, инсонга хос сифатлар билан тақдирланиши, қаҳрамон фантастик касб эгаси (ўйлаб топилган, аслида йўқ: юлдуз учувчи (звездолётчик), вақт машинаси ҳайдовчиси, планетани қайта қуриш муҳандиси) бўлса, ёзувчи бу касб эгаларининг ажабтовур психологиясини тасвирлашига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканали “XAYRLI KUN” кўрсатувида “Жаҳон адабиётида дидактика” мавзусига бағишланган сонини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телерадиоканалининг 2020 йил 18 июндаги

О'z/R-02-40-673-сон маълумотномаси). Натижада илмий фантастика, ижтимоий фантастика, антиутопия, апокалиптика ва постапокалиптик фантастика, киберпанк ва посткиберпанк каби фантастиканинг турлари ҳақидаги маълумотлар томошабинларнинг фантастик адабиёт ҳақидаги тасаввурларини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 159 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, мавзуи бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, диссертация бўйича нашрлар ва унинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фантастик асарларда бадий психологизм: услубий ва шаклий изланишлар**» номли биринчи бобида жаҳон адабиётида, шу жумладан, ўзбек адабиётшунослигида бадий психологизм муаммосининг ўрганилишига оид назарий фикрлар, фантастик асарларнинг услубий ва шаклий ўзгариш тенденциялари, психологизмнинг назарий асослари, Америка ва ўзбек фантаст ёзувчиларининг қаҳрамон руҳиятини тасвирлашдаги муштарак ва ўзига хос хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Бадий психологизм – «бадий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири: персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами»<sup>7</sup> эканлиги исботланди.

Мавзу ўрганилишининг асосий моҳияти ботиний оламни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёждир. Айниқса сўнгги йилларда ботиний оламнинг

---

<sup>7</sup> Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Акдемнашр, 2013. – Б. 48.

мураккаблиги, рухий ҳолатнинг тез-тез алмашиб туриши фалсафа, психология, адабиётшунослик фанларининг тадқиқ объектга айланди.

О.Б.Золотухина «...ушбу муаммо бўйича амалга оширилган илмий ишлар ҳажмининг кўплиги ва унинг ҳар томонлама (назарий, тарихий-адабий, таҳлилий жиҳатдан) ўрганилганлигига қарамасдан, ҳозирги кунда: 1) бадий психологизм феномени, унинг таркибий қисми ва асар тизимидаги ўрни ҳақида тўлиқ тасаввурнинг; 2) терминологик аниқлик; 3) методология ва таҳлилий воситаларнинг йўқлигини таъкидлаган»<sup>8</sup>.

Исталган жанрдаги бадий асарда ёзувчи ўз қаҳрамонларининг туйғу, изтироблари, ички кечинмаларини тасвирлаш орқали уни китобхонига таништиради. Баъзи тадқиқотчилар психологизмни инсон ички дунёсини кашф этувчи усул деб ҳисоблашмайди. Шу боис, қаҳрамон рухий оламининг тадқиқида психологизм усул эмас, балки бадий адабиётда руҳиятнинг ўзига хос тасвири деб қабул қилинади<sup>9</sup>. Ёзувчи қаҳрамонинг ички оламини тасвирлашида, унинг қалбини нечоғлик чуқур англата олганига қараб баҳоланади. Психологик таҳлилни характерларни тасвирлашнинг ички (монолог, хотира, ассоциациалар ва тасаввур образлари) ва ташқи (мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш) формаларига ажратиш мумкин.

Психологизм бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамонларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши шаклида ва ёки билвосита қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш шаклида амалга оширилади<sup>10</sup>.

Айни бир хил психологик ҳолатни турли хил кўринишда тасвирлаш мумкин: а) бевосита – ёзувчи қаҳрамон қалбига, онгига, шуурига кириб боради. Бунда муаллиф қаҳрамоннинг оғзаки, ёзма ёки ички нутқи – монологидан, тушидан фойдаланиши мумкин; б) билвосита – муаллиф қаҳрамонинг ички оламини беришда ташқи омиллар: имо-ишора, хатти-ҳаракат, маъноли имо-ишора кабилардан ҳам фойдаланади.

Одатда ички ҳолат биринчи ёки учинчи шахс тилидан тасвирланади. Ички ҳолат биринчи шахс номидан ифодаланганда истиффор этишни эслатади. Бу айниқса Ғарбий Европа адабиётида сентиментализм кенг авж олган даврга хос бўлиб, эпистоляр жанр, мактуб, эсдалик, туш ва ички монологларда ўз аксини топган. Н.Шодиев «Руҳият рассоми» рисоласида «қалб диалектикаси»нинг (Н.Г.Чернишевский бу терминни адабий қаҳрамон ҳис ва кечинмаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни, деб таърифлайди) асосий поэтик воситалари – ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, ҳисларнинг ташқи экспрессияси, галлюцинация, туш, психологик тимсоллар ва уларнинг турли хусусиятларини таҳлил қилади<sup>11</sup>.

<sup>8</sup> Золотухина О. – Б. Психологизм в литературе: пособие по спецкурсу для студ. – Гродно. – ГрГУ, 2009. – 5 с. 180 с.

<sup>9</sup> Қаранг: Замятин Е. Психология творчества/ Публ. А. Н. Стрижева и литературная учеба. М., 1988. – №5. – С. 136–139.

<sup>10</sup> Тулабаева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадий психологизм: Филол.фан.фалсафа. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 17.

<sup>11</sup> Қаранг: Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент, Фан, 1977. Б.30.

Учинчи шахс (ровий) номидан тасвирланганда кузатиш имкони юзага келади, яъни бир нечта қаҳрамоннинг психологик ҳолатини тасвирлаш мумкин. Китобхон тасвирланаётган ички ҳолатга ўзи баҳо бера олади<sup>12</sup>.

Бундан ташқари, «ишора билан чекланиш» (умолчание) усули ҳам мавжуд, яъни муаллиф қаҳрамоннинг ички ҳолатини тасвир этмасдан, балки ҳолатга ишора қилади. Ўқувчи ўзи умумлашма хулоса чиқаришига тўғри келади.

Қаҳрамон олами ёзувчи томонидан қай йўсинда тасвирланмасин, ички, ташқи, муҳими, бадий психологизм қаҳрамоннинг ботиний оламини чуқурроқ ёритишга йўналтирилган бўлади.

Адабиётда психологизмнинг асосий вазифаси – қаҳрамоннинг ботиний оламини чуқур, атрофлича ёритиш, бадий асарнинг маконий ҳамда замоний чегараларини кенгайтириш, сюжет ва композицияга таъсир кўрсатиш ҳамда руҳият тасвирининг барча усулларига хос ғоявий-эстетик имкониятларни бадий тасвирлашдан иборат. Жаҳон адабиётида бадий психологизм ҳодисаси бочқичма-босқич тараққий этган, такомиллашган, янги имкониятлар ва маҳорат ҳисобига бойиб борган.

Психологизм масалаларини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж 70- йиллардан бошлаб авж паллага чиқди, бугунги кунга келиб, адабиёт харитасидаги психологизм масалалари билан боғлиқ бўшлиқ проза, поэзияда ҳам назарий, ҳам таҳлил жиҳатдан тўлдирилди<sup>13</sup>.

Муҳими, бадий психологизм масалалари ўрганилишда давом этмоқда<sup>14</sup>. Фикримиз тасдиғини Б.Каримнинг мулоҳазалари тасдиқлайди: «...бадший асарларида одамнинг гам-қайғуси, шодлиги, ичкиши, ўкинishi, ўпкалаши,

---

<sup>12</sup> Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве [Текст] (Пособие для студентов пед. ин-тов). проф. И. В. Страхов; М-во просвещения РСФСР. Старт. Гос. пед. пн-т. – Саратов: [б. и.], Ч. 4. – 1976. – 84 с.

<sup>13</sup> Бекмуродов Ю. Ҳозирги ўзбек романларида психологизм проблемаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 1973; Шодиев Н. Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1973; Абдурахмонова М. Абдулла Қодирий ижодида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1977; Robin Anne Reid, Ray Bradbury: A Critical Companion (Westport, CT: Greenwood, 2000): 1, e-book, ebrary (Database); Bradbury, Ray”, Encyclopedia Britannica Online, academic ed., www.search.eb.com/eb/article-9016104; Bradbury, Ray. “Hail and Farewell”. In Out of this World: Science Fiction and Fantasy, edited by Deborah H. Sussman. New York: Scholastic, 1990: 23-31p; Bloom, Harold, ed. Ray Bradbury’s *Fahrenheit 451*. New ed. Bloom’s Modern Critical Interpretations. New York: Bloom’s Literary Criticism, 2008; Bould, Mark. “Burning Too: Consuming *Fahrenheit 451*”. *Essays and Studies* (2005): 96-122 p; Smolla, Rodney A. “The Life of the Mind and a Life of Meaning: Reflections on *Fahrenheit 451*”. *Michigan Law Review* 107, no. 6 (Apr 2009): 895-912p; Freedman С.Н. *Critical Theory and Science Fiction*. – Middletown, Conn.: Wesleyan University Press, 2000. – XX, 206 p; Божко Г. Формы психологического анализа в современной советской прозе. Автореф. дисс. канд. филол. наук–М.: 1977. – 21с; Сулейманов Т. Теоретические проблема научно–художественной фантастики. – Автореф.канд.диссерт. Алма–Ата, 1972– 21с; Жаксылыков А. Ж. Проза М. Аузова 20–х и 30–х годов (психологизм, конфликт, повествовательный формы). Автореф. дисс. канд. филол. наук – Алма–Ата. 1984. – 18с; и Исенов А. Психологизм современной прозы. На материалах творчества Чингиза Айтматова. Алма–Ата. – 1985. – С.22–83; Юрьева С. Н. Концепция художественного психологизма в романном творчестве Ф.М.Достоевского и Ч.Т.Айтматова. Автореф. дисс. канд. филол. наук – Бишкек. – 2002. – 20 с; 1986. – Б. 76; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари Филол. фан. ном. дисс. – Т., 1993. – Б.129; Журек галактикаси. Каракалпакстан, 1991. – Б. 248; Адамға журек керек. Каракалпакстан. 1994. – Б. 68; Исмайылов С. Паракатшылик менгилик. Каракалпакстан. 1986. – Б. 76; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари Филол. фан. ном. дисс. – Т., 1993. – Б.129.

<sup>14</sup> Камилова С. Э. Нравственно – психологический искания в художественной литературе 70–90–х годов XX века (на материале произведений В.Распутина и А.Якубова). Диссертация. кандидат филолог. наук. – Т.: 2008.

*ички безовталигу хотиржамликни – умуман рухий ҳолатларни тасвирига иштиёқманд ижодкорларда руҳият таҳлили ва тасвирига мурожаат давом этаверади»<sup>15</sup>. Инсоннинг руҳияти ўзи мустақил, кўпинча, ташқи шароитдан, воқеа-ҳодисалардан чиқмайди, улар фақат туртки бўлиши мумкин. Ташқи шароит билан тўқнаш келинганда яшириниб ётган рухий ҳолат уйғониб кетади<sup>16</sup>.*

Ўзбек адабиётшунослигида сўнгги қирқ йилдан зиёд вақт оралиғида поэзия ва прозада бадиий психологизм масалалари ишланди, номзодлик, докторлик диссертациялари юзага келди. Даставвал, психологизмнинг айрим қирралари, аспекти ўрганилди<sup>17</sup>, сўнг бадиий психологизмга бағишланган махсус, яхлит тадқиқотлар юзага келди.<sup>18</sup>

Ўзбек фантастик асарлар тадқиқи<sup>19</sup> бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, фантастик асарларда психологизм муаммоси махсус яхлитликда ўрганилмаганлиги боис америка фантаст ёзувчиси Рэй Брэдбери ва ўзбек фантаст ижодкори Ҳожиакбар Шайхов фантастик асарларида психологизм масалаларининг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш мақсад қилинди.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарларининг тадқиқот объекти сифатида танланишига сабаб, Р.Брэдбери жаҳон миқёсида фантастика жанрининг шаклланишида, ўзбек фантастикаси ривожиди, ўзбек фантаст ёзувчиси Ҳ.Шайхов ижодининг такомиллашувида ҳам бетакрор мактаб вазифасини ўтади. Боз устига бу икки адибнинг фантастик асарлари ўз ечимини топган ғоялар билан тўла, ўзига хос фикрлашлари билан ажралиб туради. «Фаренгейт бўйича 451 даража» романининг жанрини аниқлаш бўйича тортишувлар давом этди. Баъзи олимлар романни антиутопия деб баҳоласа, бошқалар огоҳлантириш романи деб изоҳлайди. Яна кимдир келажакни янги усулда қандай кўрсатишни биладиган илмий фантастика жанридаги асар сифатида эътироф этишди.

Орвил Прескоттнинг ёзишича, *«Жаноб Брэдбери томонидан тақдим этилган ақлдан озган дунё, бизни жуда даҳшатли тарзда ўйлантиради. Жозибали баъзи ижодий техникаларнинг ўзига хослиги билан ҳайратга солади»<sup>20</sup>. Адабиётшунос реал ва ирреал олам тасвири асосида Рэй Брэдберининг бадиий маҳоратини юқори баҳолайди.*

<sup>15</sup> Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. 2016. – Б. 184. 361.

<sup>16</sup> Адабиёт – инсонни кашф этиш. Муаллим, адабиётшунос Талъат Солиховни хотирлаб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 77.

<sup>17</sup> Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси: Филол. фан.д-ри дисс... – Т.: – 1994; Искандарова О.Р. “Диёнат” ва “Қиёмат” романларида инсоний муносабатларнинг бадиий тасвири: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.:, 1995; Саггарова М.Р. XIX аср француз реалистик прозасининг бадиий услуби масаласи (Стендаль ва О. Бальзак асарлари мисолида) Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.:, 1996.

<sup>18</sup> Умуров Ҳ. Психологизм проблемаси ва ўзбек романи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т.:, 1983; Қуронов Д.Ҳ. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.:, 1992; Жўраев Т. С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, Ғ. Ҳотамов, О. Отахон асарлари мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.:, 1994.

<sup>19</sup> Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий–фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммоси: Филол. фан. ном. дисс.автореф. – Т., 1994; Қувватова Д.Ҳ. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари. – Филол. фан. ном. дисс.автореф. – Т., 1997.

<sup>20</sup> Prescott O. Books of the Times. New-York Times. 21 October. 1953. – p. 27.

Ҳ.Шайховнинг асарлари ҳам танқидчилар<sup>21</sup> эътиборидан четда қолмаган. Хусусан О.Шарафиддинов куйидагича фикр билдиради: «*Ҳожиакбар Шайхов ижодининг ўзига хослиги нимада? У фантаст ёзувчи сифатида нималарга эътибор беради? Қандай муҳим гапларни кўтариб чиқади? ...Ҳожиакбар асарларида ҳозирги фантастик адабиётнинг ҳамма зарур белгилари мавжуд, яъни улардаги воқеалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, қўшни Галактикаларда содир бўлади. Бироқ воқеалар силсиласи қанчалик гайритабиий бўлмасин, улар охир-оқибатда қай бир томонлари билан Ердаги одамларнинг бугунги ҳаётига бугунги ташвишларига боғланиб кетади*»<sup>22</sup>. Ҳ.Шайхов ижодининг кейинги босқичларида бадий жихатдан пишиқ, мукамал асарлар яратганини эътироф этиш лозим. Айниқса, Ҳ.Шайховнинг фантастик асарлари рус ва бошқа қардош тилларга таржима этилиши билан бир қаторда, рус ижодкорлари томонидан унинг ижодига берилган баҳо диққатга молик<sup>23</sup>.

Бадий асарларда психологизм масаласини қиёсий ўрганиш ҳам, бадий адабиётда турли миллат эгалари руҳиятидаги айнан шу миллат руҳиятига хос томонлари билан бир қаторда ҳам индивидуал, ҳам умумий нуқталарни кузатиш имконини беради.

Маълумки, ҳар бир асарда ёзувчи қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари, бошидан кечирган саргузаштларини тасвирлайди. Бу ўринда ёзувчининг маҳорати у ўз асари қаҳрамонларининг ички дунёсига нечоғлик кира олгани билан белгиланади, бу, албатта, психологик таҳлилни юзага келтиради.

Маълумки, бадийликни таъминловчи мезонлардан бири – қаҳрамонлар психологик ҳолатининг ёзувчи томонидан қай даражада тасвирланишига боғлиқ. Бадий асарларни психологизм жихатдан ўрганиш ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам психология фанининг назарий жихатдан такомиллашувига ёрдам беради. Ёзувчи учун асар қаҳрамонларининг жонли образини ярата билиш бадийликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Уларни психологик таҳлил қилиш орқали эса ижодкор ва асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Психолог олим М.Г. Ярошевский «...*Санъат намуналарида инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ва бошқа руҳий жараёнлар, айни замонда асар қаҳрамонларининг эмас, балки асарнинг яратувчиси, муаллифнинг ҳам характер хусусиятлари, хулқ-атвори, тафаккури, майл ва интилишларини акс эттиради*»<sup>24</sup>, – деб ёзади.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ҳам илм-фан инсон бахти учун хизмат қилиши керак, деган ғояни илгари суради. Китобхон диққат-

<sup>21</sup> Худойберганов Н. Шаклан янги, мазмунан–чи?!// Ўзбекистон маданияти. 1973. 9 февраль.

<sup>22</sup> Шарфиддинов О. Қалдирғочлардан бири. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –№16. (3303) 21. 04. 1995. – Б.3.

<sup>23</sup> Брандис Е, Дмитриевский В. Взято из действительности. Рец.на повесть Х. Шайхова “Загадка Ренэ ”. – Правда, 1978, 3 сентября (№246.) стр. 3; Байбазарова О. Оставаться всегда человеком... – Звезда Востока Т.:1982, №3. – С. 169–170; Бугельский Ю. В плену “Чёрной дыры”. – Литературная газета 1984, 17 октября №42.; Перфильев В. Игра в поддавки.– Литературная газета, 1986, 2 апреля №14. С.4.; Москвин Г. У придорожного камня.– Литературная газета, 1986, 4 сентября (№36). Стр.4.; Молотников П. Фантастика? Реальность... Звезда Востока Т., 1988, №8. С.141–143.; Алексеев Г. У книжной полки. Румбы фантастики. – Новосибирск, Книжное издательство, 1988. С.456–496.

<sup>24</sup> Ярошевский М.Г. Психология творчество и творчество в психологии. “Вопросы психологии”. 1985. – с. 14.

эйтиборини инсон ҳаётида рўй берувчи ва жамиятдаги ғайриоддий воқеалар билан бир қаторда инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғулар ҳамда пайти келиб, атроф-борлиқни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишга кодир, оддий кундалик воқеаларга қаратади.

Фантастик асар бадиий асар каби инсон тасаввури, тафаккури, фикрлаш доираси, имконияти, нутқига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу боис ҳам Рэй Брэдбери «*Инсоният тарихида ҳамма нарса орзудан башланади*»<sup>25</sup>, – деб қайд этиши бежиз эмас.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ўз қаҳрамонларининг психологик ҳолатини кўпинча уларнинг нутқи орқали очишга ҳаракат қилар экан, асар қаҳрамонининг нутқи ҳам нутқ эгаси, ҳам нутқ қаратилган персонаж психологиясини очишга қаратилганини қайд этиш ўринлидир. Бадиий асарда нутқ қаҳрамон психологиясини очишда қанчалик ўрин эгалласа, фантастик асарда ҳам шундай хизмат қилади. Фантастик асар қаҳрамони реал ёки фантастиклигидан қатъи назар, бадиий психологизм аспектлари, хусусан, нутқ фантастик асар қаҳрамонларининг ботиний оламини ҳамда унинг тасаввуридаги оламини, ойнадаги акси каби ёритиш имконини беради. Фантастик асарларда хаёлот устуворлик қилгани боис, унда бошқа жанрдаги асарлар билан муштарак томонлар ва ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Боз устига, ишонтириш масъулияти ҳам икки ҳисса ортиқроқ. Буни Д.Уоллхаймнинг фантастик асарни «*ғоялар адабиёти*», А.Азимов «*қозғоздаги эксперимент*», – деган фикрлари яна бир бор тасдиқлайди.

Рэй Брэдберининг барча фантастик асарларининг асосий концепцияси – инсонни асраш. Бу борада унинг қатъий фикри: «*инсон маънавиятли, инсон озод, инсон бахтли бўлиши керак*». Инсонни асраш концепцияси – жаҳон миқёсида жамики ёзувчилар хаёлини банд қилган муаммодир. Хусусан, Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ҳам ўқ илдизини шу масала ташкил этади.

«Фаренгейт бўйича 451 даража» асарининг бош мавзуси: «инсонни асраш», бу, албатта, кенг қамровли тушунча бўлиб, жамиятнинг маънавий инқирози, оммавий маданиятни тарғиб қилаётганларга қарши тура олиш, инсоният бошига фалокат ёғдирувчи уруш хавфининг олдини олиш каби жуда кўп муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Ҳ.Шайховнинг «Туташ оламлар» романининг бош мавзуси – инсонни ғафлат уйқусидан уйғотиб, такомилликка эришиш.

Бу икки ёзувчи Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижодида битта умумий кесишган нуқта мавжуд – бу инсоният ғамини ейиш. Шу маънода уларнинг асарларида моддий дунё билан руҳият дунёси ўртасидаги номутаносиблик бадиий ифода этилган.

Асар қаҳрамони ҳолатини тасвирлашда ташқи шарт-шароит ҳам муҳим ўрин тутаяди. «Инсон характери фақатгина ички хусусиятлар билан изоҳланмай, балки уни ўраб турган ва фаолиятининг маълум йўналишини

---

<sup>25</sup> Брэдбери Рэй. И тут творятся чудеса. – Литературная газета, 1980, – №10. – С. 4.



белгилайдиган ташқи шарт-шароит, ижтимоий, тарихий воқелик таъсири билан ҳам белгиланади»<sup>26</sup>.

Фантаст ёзувчилар ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, ижтимоий масалалар билан боғлиқ ўринларни фантастик парда ортидан туриб тасвирлайдилар. Фантастларни бундай йўл тутишларига сабаб кўпчилик ҳолларда вазият моненьлик қилади ва улар қарашларини парда ортида (заваулировано) беришга мажбур бўлишади. Айрим ҳолларда бўлса, фантаст ёзувчилар асарларида илгари сурган гипотезалари фантастика қобиғидан чиқиб ҳаётга яқинлашади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Фантастик асарларда аёл руҳияти талқини**» номли иккинчи бобида фантастик асарларда аёллар образи, уларнинг руҳияти тасвири, аёлларнинг оилада, жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ тавсифлар, аёл образини яратиш маҳорати, аёл образининг муштарак ва ўзига хослиги Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарлари мисолида ёритилади.

Мазкур бобда ёзувчилар қоришиқ ҳолда фойдаланётган фан, дин, мистика билан боғлиқ чизгилар пировардида инсон образи теграсида умумлаштирилади. Яъни Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов асарларидаги аёл образини пейзаж, портрет, диолог, монолог, туш, руҳият каби категориялари таҳлил қилинади ва ёвузликка барҳам бериш, адолат, эзгулик, ҳақиқат сингари умумбашарий қадриятларни сақлаб қолиш, олам ва одам муносабатларини англашга қаратилган масаланинг кесишган нуқтасини топишдир.

Бадий адабиётда аёл образи талқини кўп асрлик тарихга эга. Бадий ижоднинг турли жанрларида бўлгани каби фантастик асарларда ҳам аёл образига кенг ўрин берилган. Даставвал, ҳатто жаҳон фантастикасида ҳам аёл образи учрамас эди. А.Толстой «Аэлита» фантастик асарида аёл образини биринчи бўлиб гавдалантирди. Кейинчалик бу анъанани бошқа фантаст ёзувчилар давом эттиришди. Аммо аёл образи фантастик асарларда биринчи планга олиб чиқилмаган. Аёлларга фантастик асарда кенг ўрин бериш билан бирга, уларни етакчи планга олиб чиққан ёзувчи ўзбек фантасти Ҳожиакбар Шайхов бўлди.

Инсоният доимо орзулар қанотида келажакка интилиб яшаган. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи Сайёр», «Садди Искандарий» каби достонларидаги аёллар образи Ҳ.Шайховнинг фантастик асарларидаги аёллар образини юзага келишида ибрат мактаби бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган фантастик асарлардаги аёллар образи фантастик ё реал бўлишидан қатъи назар, улар асардан кузатилган мақсадни очишга хизмат қилади. Асардаги реал образларнинг аксариятига фантастик нисбат берилган бўлиб, фантастика билан реал образларнинг кесишув нуқтасида синкретик образ юзага келган.

---

<sup>26</sup> Тетровский А. В. ва бошқалар. Умумий психология. –Т.: Ўқитувчи. – 1992. – Б.172.

Фантастика – хаёлот олами. Баъзан реал ҳаётда ишониш қийин бўлган воқеа-ҳодисаларга фантастик асар бўлгани учун ишонасиз, амалга ошишига умид боғлайсиз. Шу боис ҳам «*Фантастик асар юқори даражада шартлилик касб этувчи фантастик образлиликка таянади, у муаллифдан ҳам, ўқувчидан ҳам ижодий фантазияни тўла қувват билан ишлатишни талаб этади. ... Айни чоғда, фантастика, фақат хаёлот маҳсули эмас, унинг замирида мавжуд воқеликнинг излари сезилиб туради, зеро, хаёл шу мавжудликдан куч олган ҳолда парвоз қилади*»<sup>27</sup>, деганларида муаллифлар ҳақ.

XX асрнинг 90-йилларида фантастик асарларнинг йигирма етти хил кўриниши аниқланди, шу мезонга оид асарлар рўйхати тузиб чиқилди. «Чиклит» – инглизча (chick lit) «Аёллар адабиёти»<sup>28</sup> фантастик адабиётда янги бир йўналиш сифатида юзага келди.

Чиклит – аёллар адабиёти, яъни турли тилларда аёлларга бағишлаб ёзилган бадиий асарлар. Муаллифларнинг аксарияти аёллар бўлиб, лекин аёллар ҳақида ёзувчи эркаклар ҳам мавжуд.

Чиклит адабиёти – жанр структураси жиҳатдан: аёллар детективи, болали аёллар тарихи, сайёҳат ишқибозлари, пул ва қимматбаҳо нарсаларга ўч бўлганлар, аэробика, йога, фитнес ишқибозлари, дабдабали ҳаёт кечирувчилар, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар ҳақидаги адабиётдир.

Гарбда мазкур жанрда танилган ёзувчилар – Кендеес Бушнелл ва Хелен Филдинг<sup>29</sup>ларни таъкидлаш керак.

Ўзбек фантастик асарларда биринчи планда тасвирланган аёллар образи ва фантастик мавзуларда қалам тебратаётган аёл ёзувчилар кўпчиликини ташкил этади<sup>30</sup>. Улар фантастик асарда аёл образига ўзларининг бадиий идеали, ғоявий нияти, бадиий концепциясидан келиб чиқиб мурожаат этишган.

Фантастик асарларга аёл образини олиб кирганлар сирасини Америка ёзувчиси Рэй Брэдбери ҳам тўлдиради, гарчанд унинг фантастик асарларида аёллар Ҳ.Шайховникдан фарқли ўлароқ етакчи планга олиб чиқилмаган бўлса-да, унинг фантастик асарларида аёллар ёрдамчи образ сифатида иштирок этишади. Шунга қарамасдан Рэй Брэдберининг фантастик асарларидаги аёллар образи билан Ҳ.Шайховнинг фантастик асарларидаги етакчи планда иштирок этган аёллар образида муштарак ўринлар кўп.

Рэй Брэдберида ҳам, Ҳ.Шайховда ҳам инсон психологияси, инсон табиатига хос чизгиларнинг ривожланиш, шаклланиш жараёнида унинг ботиний оламини очишга бўлган мойилликнинг кучлилиги асарнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Аёл психологиясини беришда, эҳтимол, натижа бир

<sup>27</sup> Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М.. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр. – 2010. – Б. 340–341.

<sup>28</sup> Chick lit – инглиз тилидан Chick том маънода “жуза”, мажозий маънода “ёш аёл, қиз” ва lit (literature) адабиёт. Бу замонавий адабий жанр бўлиб, романтик сюжетга асосланган ва осон ва ҳазил билан ёзилган аёл прозаси ёки аёл адабиётининг бир тури. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>.

<sup>29</sup> «Катта шаҳарда секс», «Бриджет Жонс кундалиги» номли аёлларга бағишланган асарлари билан машҳур.

<sup>30</sup> Соҳиба Абдуллаева, Фазилат Ҳожиқулова, Мавлуда Иброҳимова аёл фантастлар сирасини ташкил этади.

бўлмаса-да, фантастик асарларда эришилиши қийин бу масаланинг уддасидан икки замондош фантаст ёзувчи муваффақиятли чиққан.

Мазкур муштаракликнинг асосини Р.Брэдбери ва Ҳ.Шайховнинг фантастик асарларидаги ғоя ташкил этади. Шу маънода, фан ва техника яхшиликка хизмат қилиши керак, акс ҳолда ёвузлар кўлида илм қуролга айланади; бахт ғойибдан пайдо бўлмайди, ҳамма нарсага меҳнат билан эришилади, фан ва техника ривожини туфайли, албатта, бир кунмас бир кун инсонларнинг умри қутилгандан ҳам кўпга узайишига олиб келади, дунёни ҳалокатдан, инсонларни йўқотишлардан аёл, муҳаббат сақлайди, инсон такомилликка интилиши керак каби ғоялар талқинида икки адибнинг ижодий нияти бирлашади.

Ёшлардаги қаҳри қаттиқлик «Фаренгейт бўйича 451 даража» романи қаҳрамони Клариссанинг: «*But everyone I know is either shouting or dancing around like wild or beating up one another. Do you notice how people hurt each other nowadays?*»<sup>31</sup>. «...тенгдошларимнинг ҳаммаси жинниларга ўхшаб бақариб-чақаришади, бир-бирларини дўппослашади. Одамлар ҳозир бир-бирларига қанчалик бешафқат эканликларини сезганмисиз?». Ёки: «*Sometimes I'm ancient. I'm afraid of children my own age. They kill each other. Did it always used to be that way? My uncle says no. Six of my friends have been shot in the last year alone. Ten of them died in car wrecks*»<sup>32</sup>. «Баъзан ўзимни қариб-чириган кампир хотиндек ҳис қиламан. Тенгдошларимдан қўрқаман. Улар бир-бирларини ўлдиришади. Шу йилнинг ўзида тенгқурларимиздан олти киши отиб ўлдирилди. Ўнтаси автомобиль ҳалокатида нобуд бўлишди»<sup>33</sup>, – деган сўзлари бугунги кун Америка ёшлари ҳаётининг манзарасини маълум маънода очиб беради<sup>34</sup>.

Ҳ.Шайховнинг «Туташ оламлар», «Икки жаҳон овораси» асарларидаги қизлар – Назира, Наргиза ва Нафисалар коинот, дунё илмлари ва дин, турли қароматлардан хабардор. Уларга хос яна бир хислат – таналарига ўтган боболарининг руҳи кириб чиқишлари мумкин. Мазкур фантастик усулдан фойдаланиш, яъни қизларни фантастик хислатлар билан тақдирлашдан ёзувчининг мақсади – асар қаҳрамонларини мақсадларига етишиш йўлидаги имкониятларини чегараламаслик. Асардаги бу уч образ ақлли, билимли, ишчан, ҳақиқатгўй бўлишлари билан бир қаторда уларнинг фақат ҳар бирига хос хислатлари ҳам мавжуд, яъни Назира ростгўй, шаддод, чўрткесар; Наргиза нозиктаъб, хушхулқ, ўта таъсирчан; Нафиса камгап, хаёлпараст. Улардаги бу хислат бир-бирларининг характерларини тўлдиришга хизмат этади.

